

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

БОБОЕВ ЗУФАР ДУРМАМАТ ЎҒЛИ

**ЙОД- β -ЦИКЛОДЕКСТРИН СУБСТАНЦИЯСИ ВА КАПСУЛА ДОРИ
ШАКЛИНИНГ СИФАТИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Бобоев Зуфар Дурмамат ўғли

Йод-β-циклодекстрин субстанцияси ва капсула дори шаклининг сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш..... 3

Бобоев Зуфар Дурмамат угли

Разработка методов контроля качества субстанции и капсульной лекарственной формы йод-β-циклодекстрина..... 21

Boboev Zufar Durmamat ogli

Development of quality control methods for the substance and capsule dosage form of iodine-β-cyclodextrin..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

БОБОЕВ ЗУФАР ДУРМАМАТ ЎҒЛИ

**ЙОД- β -ЦИКЛОДЕКСТРИН СУБСТАНЦИЯСИ ВА КАПСУЛА ДОРИ
ШАКЛИНИНГ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Far68 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Шарипов Аvez Тўймуродович фармацевтика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Тиллаева Гулнора Урипбаевна техника фанлари доктори, профессор Азизов Олим Тохирович кимё фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «6» апрел соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+998)71 256-37-38; факс: (+998) 71 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+998)71 256-37-38;

Диссертация автореферати 2022 йил « 14 » март кuni тарқатилди.
(2022 йил « 14 » март даги 31 рақамли реестр баённомаси).



К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф. Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперт комиссиясининг 2017 йилдаги «Йод танқислиги касалликларини баҳолаш ва уларни олдини олишни мониторинг қилиш» ҳисоботида йод танқислиги глобал соғлиқни сақлаш муаммоси сифатида қайд этилиб, дунёдаги 2 миллиардга яқин одамни қамраб олгани таъкидлаб ўтилган. Шу муносабат билан йод сақловчи дори воситалар ассортиментини кенгайтириш, уларни таҳлил қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, фармакотерапевтик изланишлар натижаларига асосан самарадорлигини исботлаш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида циклодекстринларни қўллаб, йод танқислигини олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган самарали йод сақловчи дори воситаларни олиш, стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада йоднинг супрамолекуляр комплексларини синтез қилиш учун оптимал шароитини танлаш, тозалаш, уларнинг асосидаги турли дори шаклларини ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш, самарадорлигини баҳолаш, сақланиш муддатини белгилаш, тиббиёт амалиётига татбиқ этишга қаратилган тадқиқотларга аълоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада бугунги кунда аҳолини ҳалқаро талабларга мос келадиган оригинал, сифатли, безарар, юқори терапевтик фаолликга эга, сақланиш даврида турғун бўлган дори субстанциялари, препаратлар, тиббий буюмлар ҳамда тиббий техника билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг тўртинчи йўналишида «Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушини 80 фоизга етказиш...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи оригинал дори воситаларни ишлаб чиқиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этиш, уларни сифатини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 788-сон «Фармацевтика соҳасига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш бўйича қўшимча

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги фармони

чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Биологик фаол моддаларни самарадорлигини яхшилаш, эрувчанлиги ошириш ва заҳарлигини камайтириш мақсадида циклодекстринлар билан супрамолекуляр бирикмалар олиш, уларни структуравий, физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича республикамизнинг олимлари С.Н.Аминов, А.Н.Юнусходжаев, Б.Т.Ибрагимов, С.А.Саидов ва Х.Ҳамидовлар илмий изланишларни олиб боришган.

Йод сақловчи супрамолекуляр бирикмаларни синтези, тадқиқи, фармакологик фаоллигини ўрганиш ва сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича дунё миқёсида бир қатор олимлар, жумладан М.К.Grachev, М.Polumbryk, V.Kravchenko, I.A.Senyushkina, J.M.Lehn, M.L.Bender, J.Szejtli, L.Szente, M.E. Davis, A.Narada, J.L.Atwood, J.W.Steed кабиларнинг илмий изланишлари аҳамиятлидир.

Бироқ ушбу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилганига қарамасдан, йод ва β-циклодекстрин супрамолекуляр бирикмасини сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва тироид фаоллигини аниқлаш, унинг асосида дори воситалар ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар бугунги кунга қадар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» илмий-тадқиқот ишлари режаси ва № И-СС-2017-6-7 «Йод-β-циклодекстрин субстанцияси ҳамда капсула дори шаклини олиш технологиясини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга тайёрлаш» номли инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади йод танқислигида қўлланиладиган йод-β-циклодекстрин субстанциясини синтез қилиш, стандартлаш ва унинг асосида олинган капсула дори шаклининг сифат назорати усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йоднинг β-циклодекстрин билан супрамолекуляр бирикмасини синтез қилиш шароитларини ўрганиш ва олинган субстанцияни тозалаш;

йод-β-циклодекстриннинг сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрларни белгилаш;

«Бетайодекса» капсулаларининг сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

йод-β-циклодекстрин субстанцияси ва «Бетайодекса» капсулаларининг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддатларини белгилаш;

йод-β-циклодекстрин ва «Бетайодекса» дори воситалари миқдорий таҳлили учун ишлаб чиқилган усулларнинг сезгирлиги, аниқлиги ва тўғрилигини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва улар асосида тавсия этилаётган дори воситалари учун меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида йод, калий йодид, β-циклодекстрин моддалари, йод-β-циклодекстрин субстанцияси ва унинг асосида олинган «Бетайодекса» капсулалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети йод-β-циклодекстрин субстанциясини синтез қилиш, унинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, субстанция ҳамда «Бетайодекса» капсулалари сифатини назорат қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида юқори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ), инфрақизил спектроскопия (ИК), кукунли рентген дифрактометрия (КРД), спектрофотометрия (СФ), шунингдек, аналитик кимё ва фармацевтик таҳлилнинг анъанавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор йод-β-циклодекстрин супрамолекуляр бирикмасини олиниш усули ҳамда субстанциянинг кукунли рентген дифрактометрик ва дериватографик таҳлил натижалари асосида таркиби ва хоссалари аниқланган;

биринчи марта йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги умумий йод миқдорини аниқлаш учун юқори самарали суюқлик хроматография ҳамда спектрофотометрик усуллар ишлаб чиқилган;

йодни аниқлашнинг ЮССХ ва СФ усуллари хусусийлик, танланганлик, чизиклилик, пайқаш чегараси, миқдорий аниқлаш чегараси, тўғрилиқ, тақрорланувчанлик каби валидацион кўрсаткичлар бўйича валидацияланган;

йод-β-циклодекстрин сақлаган янги оригинал «Бетайодекса» препарати сифатини назорат қилишнинг назарий асосланган усуллари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йоднинг β-циклодекстрин билан супрамолекуляр бирикмасини синтез қилишнинг қулай шароитлари аниқланган;

йод-β-циклодекстрин ва «Бетайодекса» капсулаларининг тироид стимулловчи фаоллиги ва безарарлиги исботланган;

йод-β-циклодекстрин ва «Бетайодекса» капсулаларининг сақланиш шароити ва яроқлилик муддати аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий физик-кимёвий, статистик ва фармакологик таҳлил усуллардан, шунингдек, натижаларни статистик ишлашда дисперсияли таҳлил қилинганлиги (ANOVA), Вилкоксон-Манн-Уитнининг U-мезони,

Стюдентнинг t-мезонларидан ва олинган маълумотларни қайта ишлаш усулларидан (Excel, GraphPad Prism) фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йод ва β -циклодекстрин асосида тироид стимулловчи таъсирга эга субстанциясини олиш ҳамда йод- β -циклодекстрин ва «Бетайодекса» дори воситаларини стандартлаштиришнинг замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларини ишлаб чиқишни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти йод- β -циклодекстрин субстанцияси ва «Бетайодекса» капсулалари учун «Remedy Group» МЧЖ ҚҚ билан ҳамкорликда корхона фармакопея мақолалари ишлаб чиқилганлиги ҳамда «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланиб, тиббиёт амалиётига татбиқ этилганлиги билан изоҳланади, уларнинг тасдиқланганлиги йод танқислигида қўлланиладиган импорт ўрнини босувчи дори препаратлари ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йод- β -циклодекстрин субстанцияси ва капсула дори шаклининг сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Йод- β -циклодекстрин» субстанцияси учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-22175941-4178-2020). Натижада йод сақловчи дори препаратларни ишлаб чиқариш имконини берган;

«Бетайодекса» капсуласи учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-22175941-4296-2020). Натижада маҳаллий йод сақловчи дори препаратлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Йод- β -циклодекстрин» субстанцияси ва «Бетайодекса» капсулалари «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилган ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (DV/M 03514/09/20 ва DV/M 03630/11/20). Натижада тироид стимулловчи таъсирли безарар дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 та республикада ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 95 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган², муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Йод танқислиги**» касаллигида қўлланиладиган **йод сақловчи дори воситаларининг ҳозирги ҳолати, муаммолар ва ечимлар**» деб номланувчи биринчи бобида йод танқислиги касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган дори воситалари ўрганилган, таркибида йод сақловчи дори воситаларининг камчиликлари, бу камчиликларни бартараф этиш имкониятлари келтирилган. Шунингдек, бу бобда Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган таркибида йод сақловчи дори воситалари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, бу дори воситаларининг хорижий, МДХ давлатлари ва республикамиз ишлаб чиқарувчиларига тўғри келадиган ҳиссаси ёритилган.

Иккинчи боб «**Тадқиқотларни ўтказишда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, услублар ва хомашёлар**» деб номланилган, бунда дастлабки хомашёлар, уларнинг физик-кимёвий хоссалари, йод-β-циклодекстрин синтез шароитлари, олинган модда идентификациясида қўлланилган замонавий асбоб-ускуналар, услублар каби маълумотлар ёритилган.

Йод-β-циклодекстрин субстанциясини синтез қилишнинг оптимал шароитларини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Комплекс ҳосил бўлиш шароитларини танлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари

№	β-ЦД ва J ₂ :KJ (1:10) нинг масса нисбатлари	Ҳарорат, °С	Синтез давомийлиги, соат	Маҳсулот унуми, %
1	6,5:11	20	5	65,6
2	6,5:11	25	5	83,8


² Муаллиф Тошкент фармацевтика институтининг профессори, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон фан арбоби С.Н. Аминовга (1938-2020 йй.) диссертация ишини бажарилишида яқиндан кўрсатган ёрдами учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

3	6,5:11	30	5	74,1
4	6,5:11	35	5	70,4
5	6,5:11	40	5	68,0
6	6,5:11	45	5	47,3

1-жадвалдан кўришиб турибдики, реакция аралашма ҳарорати ортиб бориши билан, йод-β-циклодекстрин унуми ортиб бормоқда. Лекин, ҳарорат 25°C дан ошиши маҳсулот унуми камайишига олиб келади. Шундай қилиб, йод-β-циклодекстрин синтези магнитли аралаштиргичда 250 айланиш/дақиқа тезликда 5 соат давомида, 25°C ҳароратда олиб бориш кераклиги ва бунда маҳсулот унуми 83,8% ни ташкил этиши аниқланди.

Синтез натижасида ҳосил бўлган йод-β-циклодекстрин молекуласидаги ўзгаришлар кукунли рентген дифрактометрик таҳлил (КРД) ёрдамида ўрганилган.

КРД таҳлил комплекс ҳосил бўлишини ўрганишнинг энг яхши усулидир. Мезбон ва меҳмон молекулалар орасида комплекс ҳосил бўлиши, аниқ геометрик алоқалар ўрнатилиши ва ўзаро таъсирларни ўрганиш учун КРД таҳлилдан фойдаланилади. Бошланғич маҳсулотлар, уларнинг механик аралашмалари ва ҳосил бўлган комплексларнинг КРД дифрактограммалари олинди (1-расм).



1-расм: Бошланғич маҳсулотлар, уларнинг механик аралашмалари ва ҳосил бўлган комплексларнинг КРД дифрактограммалари. I. Йод ва калий йодиднинг механик аралашмаси КРД дифрактограммаси; II. Калий йодид, йод ва β-циклодекстринларнинг ўзаро механик аралашмаси КРД дифрактограммаси; III. β-циклодекстриннинг КРД дифрактограммаси; IV. Йод-β-циклодекстрин комплексининг КРД дифрактограммаси.

Синтез жараёнида қўлланилган йод ва калий йодиднинг механик аралашмаси КРД дифрактограммасида 22,02, 25,46 ва 36,20 2θ қийматларида юқори интенсивликдаги ўзига хос дифракция чўққилари кузатилди (1-расм, I). Ушбу дифракция чўққиларини йод- β -циклодекстрин дифрактограммасида ҳам кузатиш мумкин, лекин интенсивлиги анча паст. Калий йодид, йод ва β -циклодекстринларнинг ўзаро механик аралашмаси КРД дифрактограммаси бошқа намуналарникидан фарқ қилиб, кўп дифракция чўққиларилари ноқаниқ ва бир-бирига қўшилиб кетган. Аммо 18,31, 18,96 ва 21,55 2θ қийматларида юқори интенсивликдаги ўзига хос дифракция чўққилари кузатилди (1-расм, II). Уларнинг учаласини ҳам β -циклодекстрин дифрактограммасида кўришимиз мумкин (1-расм, III), лекин йод- β -циклодекстрин дифрактограммасида уларнинг фақат иккитаси 18,96 ва 21,55 2θ қийматлардагиси мавжуд.

Мезбон молекуланинг КРД таҳлили дифрактограммаси дифракция чўққиларига бой бўлиб, 11,95, 14,53, 15,56, 17,62, 18,67, 20,77 ва 23,92 2θ қийматларида юқори интенсивликдаги ўзига хос дифракция чўққилари кузатилди (1-расм, III). Йод- β -циклодекстрин дифрактограммасида 14,88, 17,94 ва 19,19 2θ қийматларида юқори интенсивликка эга учта дифракция чўққиси, жумладан комплекс учун характерлиси 19,19 2θ да эканлиги аниқланди (1-расм, IV). Шунингдек, β -циклодекстрин молекуласининг КРД дифрактограммасидаги мавжуд айрим дифракция чўққилари: 11,95, 23,92 2θ йод- β -циклодекстрин дифрактограммасида кузатилмади.

Синтез қилиб олинган йод- β -циклодекстрин сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш диссертациянинг **«Йод- β -циклодекстрин субстанциясини стандартлаш»** деб номланган 3-бобида келтирилган.

Йод- β -циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йод миқдорини аниқлашнинг УБ-спектрофотометрик усули ишлаб чиқилган. Йод- β -циклодекстрин таркибида йод – калий полийодид ҳолида эканлигини инобатга олиб, унинг миқдорий таҳлил усулини ишлаш талаб этилади. Йоднинг миқдорий таҳлилида қўлланиладиган усулларни назарий таҳлил қилиб чиқилса, йодометрик усул – натрий тиосульфат билан йоднинг ўзаро реакциясига асосланган. Бу усулни йод- β -циклодекстрин бирикмаси таркибидаги йодни миқдорини тўлалигича аниқлаб бера олмайди, сабаби унинг таркибидаги йоднинг бир қисми йодид иони кўринишида бўлади. Йоднинг миқдорий таҳлилида кенг қўлланиладиган усуллардан яна бири бу аргентометрик усулдир. Бу усулни йоднинг сувда эрийдиган тузларида кенг қўлланилади. Афсуски, йод- β -циклодекстрин сувда оз эрийди, шунингдек, ҳосил қиладиган суспензияси рангли. Субстанциянинг бу каби салбий кўрсаткичлари аргентометрик усулни қўллашга ҳалақит беради.

Йод- β -циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йодни миқдорини аниқлаш учун, дастлаб супрамолекуляр бирикмани парчалаш, кейинги босқичда унинг таркибидаги йодид ионларини йодга айлантириш ва умумий йод миқдорини аниқлаш каби жараёнларни амалга ошириш талаб этилади. Йод органик эритувчиларда яхши эриб, рангли эритмалар ҳосил қилиши, бу

эритмалар УВ-спектрида ютилиш максимумлари бериши аниқланган. Йоднинг хлороформдаги эритмаси бинафша рангли бўлиб, 242 ва 511 нм тўлқин узунликларида ютилиш максимуми беради.

Супрамолекуляр бирикмани тўла парчалай оладиган ва унинг таркибидаги йодид ионларини юқори унум билан йодга ўткази оладиган реактив – концентранган сульфат кислота эканлиги тажрибалар орқали аниқланди.

Бунда супрамолекуляр бирикма парчаланиб, эритмага эркин йод ажралиб чиқди, уни хлороформга экстракциялаб ўтказилди. Ҳосил қилинган икки фазали системадан йоднинг хлороформдаги эритмаси ажраткич воронка ёрдамида ажратилди. Сўнгра йоднинг хлороформдаги эритмаси сувсиз натрий сульфат ёрдамида сувсизлантирилди ва қалинлиги 10 мм бўлган кюветада, нур ютиш соҳалари тадқиқ этилди. Йоднинг стандарт намунаси ва йод-β-циклодекстрин эритмаларининг УВ-спектрлари 242 ва 511 нм тўлқин узунлигида ютилиш максимуми бериши кузатилди. Супрамолекуляр бирикманинг спектридаги ютилишлар стандарт намуна спектридаги (2-расм) ютилишларга тўла мос келиши, супрамолекуляр бирикма таркибида йод борлигини кўрсатди.

Спектрдаги чўққилардан 511 нм тўлқин узунлигидаги чўққида нурнинг ютилиши юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли микдорий таҳлил 511 нм тўлқин узунлигида амалга оширилди. Спектрофотометрда ўлчанган оптик зичлик қийматлари асосида препарат эритмасининг Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсунуши ўрганилди. Бунинг учун йоднинг 5 хил: 120, 140, 160, 180, ва 200 мкг/мл концентрацияли хлороформдаги эритмаларининг оптик зичликлари ўлчанди ва йод концентрациясининг оптик зичликка боғлиқлик графиги тузилди (3-расм). Графикдаги йоднинг концентрацияси 120-200 мкг/мл бўлган оралиғида, концентрация ва оптик зичликнинг чизиқли боғлиқлигини кўриш мумкин.


Олиб борилган тадқиқотлар натижасида йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йод микдорини аниқлашнинг УВ-спектрофотометрик усули ишлаб чиқилди.

Супрамолекуляр бирикма таркибидаги йоднинг микдорини фоизларда куйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:


$$X = \frac{D_1 \cdot a_0 \cdot 20 \cdot 2 \cdot P \cdot 100}{D_0 \cdot a_1 \cdot 25 \cdot 100}$$

бунда: X – субстанцияси таркибидаги йод микдори, %; D_1 – текширилувчи эритманинг оптик зичлиги; D_0 – стандарт намуна эритмасининг оптик зичлиги; a_1 – субстанция тортими, мг; a_0 – стандарт намуна тортими, мг; P – стандарт намунадаги йоднинг улуши, %.

Йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йод микдорини аниқлаш натижалари 2-жадвалда келтирилди.



2-расм. Стандарт намуна (1) ва текширилувчи (2) намуна эртималарнинг УБ-спектрлари



3-расм. Йод концентрациясининг оптик зичликка боғлиқлик графиги

2-жадвал

Йод миқдорини аниқлаш натижалари

Тортим, мг	Оптик зичлик	Субстанция таркибидаги йоднинг миқдори, %	Метрологик тавсифи
9,7	0,68412	18,79	$\bar{X}=19,37\%$ $S^2=0,15393$ $S=0,39234$ $\Delta X=1,0907$
10,0	0,69871	19,57	
9,9	0,69883	19,58	

10,1	0,70274	19,79	$\Delta \bar{X}=0,4878$ $\varepsilon=2,91\%$ $\bar{\varepsilon}=1,30\%$
10,0	0,69992	19,14	

1-жадвалдан кўришиб турибдики, «Мезбон-мехмон» усулида олинган йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йод миқдори спектрофотометрик усулда аниқланганда, субстанция таркибида 19,37% йод борлиги аниқланди. Тажрибанинг ўртача нисбий хатолиги 1,3% ни ташкил қилди.

Диссертациянинг 3.1.3-бўлимида субстанция таркибидаги йод миқдорини аниқлашнинг ЮССХ усули баён қилинган.

Йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибига йод моддаси калий йодид билан бирикма ҳосил қилган ҳолда киритилган. Йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги умумий йод миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрик усули ишлаб чиқилган. Бу усул субстанция таркибидаги йодид ионларини йод молекуласига қадар оксидлаб, ҳосил бўлган йодни хлороформда экстракциялаб аниқлашга асосланган. Бу усулни субстанция асосида олинадиган дори шаклларида қўллаш бир мунча қийинчиликлар туғдиради. Йод миқдорини аниқлашнинг ЮССХ усулини ишлаб чиқиш, йодни сувли муҳитда аниқлаш, субстанция асосида олинадиган капсула дори шаклини стандартлаштиришда қулайликлар келтириб чиқаради.

Субстанция таркибидаги умумий йод миқдорини ЮССХ усулида аниқлаш мақсадида молекуляр ҳолдаги йодни йодид ионига ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун йод молекуласи натрий тиосульфат билан йодид ионига қадар қайтарилиш реакциясидан фойдаланилди. Натрий тиосульфат эритмаси йод-β-циклодекстрин молекуласини бузиб, молекуляр йодни йодид ионига қадар тўла оксидлаши тажрибалар ёрдамида аниқланди. Натрий тиосульфат билан йод молекулари ўртасидаги реакция унуми ўрганилди.

Реакция унумини ўрганиш. Субстанция таркибидаги эркин йоднинг натрий тиосульфат билан реакцияга киришиб йодид ионига ўтиш жараёни қанчалик тўлиқ боришини аниқлаш учун йод ва тиосульфат ионлари ўртасидаги реакция жараёни ўрганилди. Бунда йод ва натрий тиосульфат эритмалари эквивалент миқдорда аралаштирилиб хроматографияланди ва ҳосил бўлган йодид иони миқдори аниқланди. Йодни тўла йодид ионига ўтказиш мақсадида ортиқча миқдорда натрий тиосульфат эритмаси қўшилган ҳолда ҳам олинган эритмалар хроматографияланиб, реакция маҳсулотлари ўрганилди.

Аниқлаш услуби. 10 мл 0,1 моль/л йод эритмаси 100 мл ўлчов колбасига солиниб 20 мл тозаланган сув қўшилди. эритма рангсизлангунга қадар 0,1 моль/л натрий тиосульфат эритмасидан қўшилди. Сўнгра эритма белгисига қадар тозаланган сув билан етказилди. Ҳосил бўлган эритмадан 5 мл олиниб 50 мл ли ўлчов колбасига солинди ва белгисига қадар тозаланган сув билан етказилди (йодид иони миқдори тахминан 0,127 мг/мл). Олинган эритма таркибидаги йодид иони миқдори ЮССХ усулида аниқланди. Таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилди.

**Йоднинг натрий тиосульфат билан реакцияси унумини аниқлаш
натижалари**


№	0,1 моль/л йод эритмаси ҳажми, мл (K=0,998)	Қўшилган натрий тиосульфат эритмаси ҳажми, мл (K=1,002)	Йод миқдори, мг/мл		Унум, %	Ўртача унум, %
			назарий	амалий		
1	10,0	10,0	0,12675	0,1258	99,25	99,56 ± 0,27
2	10,0	10,2	0,12675	0,1263	99,64	
3	10,0	10,5	0,12675	0,1259	99,33	
4	10,0	15,1	0,12675	0,1264	99,72	
5	10,0	20,0	0,12675	0,1266	99,88	

Йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги умумий йод миқдорини аниқлашнинг юқори самарали суюқлик хроматография усулининг шароитлари:

Хроматографик колонка: ZORBAX Eclipse Plus, C18, 150 мм х 4,6 мм, 3,5 мкм. Қўзғалувчан фаза: ҳажм бўйича 85% фосфатли буфер рН=7,0 (0,067 мол/л KH_2PO_4) ва 15% метанол аралашмаси. Аралашма рН муҳити фосфат кислота ёрдамида 3,0 га келтирилади. Фазанинг ҳар литрига 1,7 г тетрабутиламмоний гидросульфат қўшилади. Оқим тезлиги: 1 мл/дақ. Колонка ҳарорати: 40°C. Инъекция ҳажми: 20 мкл. Детектор: ДМД-детектор, 237 нм.


Стандарт намуна ва аниқланувчи модда эритмалари хроматографияланди. Олинган хроматограммалар 4-7-расмларда келтирилди.

Йодид ионларининг ушланиш вақти 2,12 дақиқани ташкил этди (4-расм).



4-расм. Калий йодид стандарт намунасининг хроматограммаси


Натрий тиосульфат эритмаси хроматографияланганда унинг ушланиш вақти 1,78 дақиқани ташкил этди (5-расм).



5-расм. Натрий тиосульфат эритмасининг хроматограммаси.

Реакциянинг бошланғич маҳсулотлари таҳлил жараёнида ортиб қолган тақдирда, танланган қўзғалувчан ва қўзғалмас фазаларда ажралишини аниқлаш учун йод-β-циклодекстрин эритмасига ортиқча миқдордаги натрий тиосульфат қўшилди. Сўнгра ҳосил қилинган эритма хроматографияланди. Олинган натижалар 6-расмда ўз аксини топган.

Ушбу хроматограммада 3 та чўққи мавжуд бўлиб, улар 1,78, 2,12 ва 2,82 дақиқаларда кузатилди. Мазкур чўққилар стандарт намуналардаги чўққилар билан қиёсий солиштирилиб, улар мос равишда тиосульфат, йодид ва тетратионат ионлари деб хулоса қилиш мумкин.




6-расм. Йод-β-циклодекстриннинг ортиқча миқдордаги натрий тиосульфат билан реакция аралашмаси хроматограммаси.

Хроматограммадаги ҳар бир модда чўққиларининг ушланиш вақтлари турличалиги, танланган шароитлар тўғрилигини, ушбу моддалар йодид ионларини идентификациялаш ва миқдорини аниқлашда ҳалақит бермаслигини кўсатади.

Стандарт ва аниқланувчи моддалар эритмалари 5 мартадан хроматографияланди. Субстанция таркибидаги умумий йод миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$X = \frac{S_1 \cdot C_0 \cdot P \cdot 0,765 \cdot 1000}{S_0 \cdot C_1 \cdot 100} = \frac{S_1 \cdot C_0 \cdot P \cdot 7,65}{S_0 \cdot C_1};$$

бунда: X – субстанция таркибидаги умумий йод миқдори, мкг/мг; S_1 – текширилувчи эритма хроматограммасидаги йодид иони чўққисининг баландлиги; S_0 – стандарт намуна эритмаси хроматограммасидаги йодид иони чўққисининг баландлиги; C_0 – стандарт намуна эритмаси концентрацияси, мг/мл; C_1 – субстанция эритмаси концентрацияси, мг/мл; P – стандарт намуна таркибидаги калий йодид миқдори, %; 0,765 – калий йодиддан йодга ўтиш коэффициентини.



7-расм. Йод-β-циклодекстриннинг эквивалент миқдордаги натрий тиосульфат билан реакция маҳсулотлари эритмасининг хроматограммаси.

Йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йодид ионлари ва умумий йод миқдорини аниқлаш натижалари 4-5-жадвалларда келтирилди.

4-жадвал

Йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йодид ионлари миқдорини аниқлаш

№	Тортим, г	Хроматограммалардаги йодид ионлари чўққисининг баландлиги, mAU	Субстанция таркибидаги йодид ионлари миқдори, %	Нисбий стандарт четланиш, %
1	0,0099	754002 ± 6667	7,88 ± 0,07	0,88
2	0,0099	756404 ± 9077	8,03 ± 0,10	1,20
3	0,0102	755549 ± 7322	7,92 ± 0,08	0,97
4	0,0105	755656 ± 11502	7,77 ± 0,12	1,52
5	0,0098	755650 ± 10327	7,81 ± 0,11	1,37

**Йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги умумий йод
миқдорини аниқлаш**

№	Тортим, г	Хроматограммалардаг и йодид ионлари чўқиси баландлиги, mAU	Субстанция таркибидаги умумий йод миқдори, %	Нисбий стандарт четланиш, %
1	0,0099	377259 ± 5870	19,91 ± 0,31	1,56
2	0,0099	376903 ± 4453	20,51 ± 0,24	1,18
3	0,0102	383274 ± 5519	19,61 ± 0,28	1,44
4	0,0105	371153 ± 7215	19,46 ± 0,38	1,94
5	0,0098	374972 ± 4798	20,07 ± 0,26	1,28

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибидаги йодид ионлари ва умумий йод миқдори аниқлашнинг ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Ҳар бир таҳлил 5 маротабадан такрорланиб нисбий стандарт четланиш қийматлар аниқланди. Субстанция таркибида $7,81 \pm 0,1\%$ йодид ионлари, $19,91 \pm 0,3\%$ умумий йод борлиги аниқланди.

Ишлаб чиқилган миқдорий таҳлил усуллари хусусийлик, танланганлик, чизиклилик, қайтарилувчанлик, тўғрилиқ, аниқлилик каби валидацион кўрсаткичлар бўйича валидацияланган.

Шунингдек, мазкур бобда субстанциянинг йод-β-циклодекстрин субстанциясининг тироид стимуловчи фаоллиги ҳамда субстанциянинг яроқлилигини ўрганиш натижалари ҳам баён қилинган.

Олинган йод-β-циклодекстрин субстанциясининг тироид стимуловчи фаоллигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари ҳам қисқача мазкур бобда келтирилган.

Диссертациянинг 4-боби «Бетайодекса» капсулаларини сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, бетайодекса капсулаларининг сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш, капсулаларнинг сифат назоратини амалга ошириш, яроқлилик муддатини ўрганиш натижалари келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида субстанция ва капсула дори шакли учун сифат меъёрлари белгиланиб, корхона фармакопоя мақолалари ишлаб чиқилган.

Капсулаларнинг миқдорий таҳлили унинг таркибидаги йод-β-циклодекстрин субстанцияси таркибига кирган калий йодид миқдорини аниқлаш бўйича амалга оширилган.

«Бетайодекса» капсулалари 5 хил намунадан таҳлил қилинган ва таркибидаги калий йодид миқдори ўрганилган (6-жадвал).

Миқдорий таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, битта капсула сақлаган калий йодид миқдори капсула таркибида кўрсатилган миқдорга нисбатан $85,0\%$ дан $115,0\%$ гача бўлган нормалар белгиланган.

«Бетайодекса» капсулалари таркибидаги калий йодид миқдорини аниқлаш натижалари

№	Тортим, г	Хроматограммадаги йодид ионлари чўқиси баландлиги, mAU	Капсула таркибидаги умумий миқдори, мкг/капс	Нисбий стандарт четланиш, %
1	1,2386	421362 ± 2225	97,64 ± 0,87	0,89
2	1,2408	418059 ± 2352	98,93 ± 1,19	1,21
3	1,2415	425008 ± 1892	100,84 ± 1,24	1,23
4	1,2392	415944 ± 3057	97,02 ± 0,96	0,99
5	1,2422	422681 ± 2196	98,36 ± 1,20	1,23

Капсула таркибидаги умумий йод миқдори 5 та намуна учун ўртача 98,56±1,46 мг/капс (битта капсула сақлаган массага нисбатан 95,69±1,42%) эканлиги аниқланган.

«Бетайодекса» капсулаларининг сифат кўрсаткичлари, тегишли меъёрий хужжат (КФМ 42 Уз-22175941-4296-2020) талаблари асосида ўрганиш орқали олинган натижалар 7-жадвалда келтирилди.

«Бетайодекса» капсулалари сифат кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

Т/р	Кўрсаткичлар	Меъёрий хужжат бўйича талаб (КФМ 42 Уз-22175941-4296-2020)	Аниқланди
1.	Тасвирланиши	Қаттиқ желатин капсулалар: апелсин рангли, «2» размерли. Капсула сақлаган масса – оқдан сарғиш ранггача бўлган кукун ёки гранула.	Мос келади
2.	Чинлиги: - калий йодид	Текширилувчи эритма хроматограммасидаги асосий чўққининг ушланиш вақти стандарт намуна эритмасидаги асосий чўққининг ушланиш вақтига мос келиши керак.	Мос келади
3.	Капсула сақлаган ўртача масса ва ўртача массадан четланиш	248,0 мг ± 7,5 % (ЎзР ДФ 2.9.5.)	247,1 мг + 2,76 % - 3,52 %
4.	Парчаланиши	30 дақиқадан ошмаслиги керак (ЎзР ДФ 2.9.1.)	19 дақиқа

5.	Эрувчанлиги	45 дақиқадан сўнг ажралиб чиққан калий йодид «Капсула таркиби» да кўрсатилган миқдорнинг 75 % дан кам бўлмаслиги керак. (ЎЗР ДФ 2.9.3.)	89,3 %
6.	Миқдорий таҳлил - калий йодид	Битта капсула сақлаган масага нисбатан 85,0 – 115,0 % бўлиши керак	95,7 %

«Бетайодекса» капсулаларининг сифатини назорат қилиш усуллари sanoat миқёсида синаб кўрилиб, амалиётга жорий этилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор йод-β-циклодекстрин субстанциясини идентификациялаш ва стандартлаштиришнинг замонавий усуллари кўллаш тавсия этилди. Бунга кўра тузилиш формуладаги меҳмон полийодидлар асосий биологик фаолликни таъминловчи гуруҳ эканлиги исботланди.

2. Йод-β-циклодекстрин субстанцияси илк мартаба кукунли рентген дифрактометр, УВ-спектроскопик ва ЮССХ усулларида фойдаланиб, унинг сифатини назорат қилиш усуллари тавсия этилди.

3. Тавсия этилаётган “Бетайодекса” капсулалари таркибидаги асосий таъсир этувчи моддалари - полийодидларни сифат ва миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди, ушбу мақсадда ДМД детекторли ЮССХ дан фойдаланиш таклиф этилди.

4. Ишлаб чиқилган таҳлил усуллари ёрдамида «Йод-β-циклодекстрин» ва «Бетайодекса» дори воситаларининг барқарорлигини ўрганиш ва сақланиш шароитини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, тажрибалар асосида татбиқ этилаётган дори воситаларининг яроқлилик муддатлари белгиланди.

5. Йод-β-циклодекстрин тироид стимуловчи фаоллиги бўйича мавжуд хорижий аналог (Йодомарин)дан кам эмаслиги исботланди.

6. Олиб борилган тадқиқотлар асосида ЎЗР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника экспертизаси ва стандартлаш Давлат маркази» ДУК томонидан «Йод-β-циклодекстрин» субстанцияси (КФМ 42 Уз-22175941-4178-2020) ва «Бетайодекса» капсулалари (КФМ 42 Уз-22175941-4296-2020) учун ишлаб чиқилган меъёрий хужжатлар тасдиқланди ҳамда тиббиёт амалиётига қўллашга рухсат этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

БОБОЕВ ЗУФАР ДУРМАМАТ УГЛИ

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ КОНТРОЛЯ КАЧЕСТВА СУБСТАНЦИИ И
КАПСУЛЬНОЙ ЛЕКАРСТВЕННОЙ ФОРМЫ
ЙОД-β-ЦИКЛОДЕКСТРИНА**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Far68

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.pharmi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Шарипов Аvez Туймуродович
доктор фармацевтических наук, доцент

Официальные оппоненты: Тиллаева Гулнора Уринбаевна
доктор технических наук, профессор

Азизов Олим Тохирович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация: Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «6» апреля 2022 г. в 15⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (98872) 256-37-38. факс (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 31) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (98872) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «14» марта 2022 года (реестр протокола рассылки № 31 от «14» марта 2022 г.).



К.С. Ризаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С. Кариева
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

Ф.Ф. Урманова
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В отчете экспертной комиссии Всемирной организации здравоохранения за 2017 год «Оценка йододефицитных заболеваний и мониторинг их профилактики» дефицит йода отмечен в качестве глобальной проблемы здравоохранения, охватившей около 2 миллиардов населения земли. В связи с этим, имеет важное значение проведение исследований в области расширения ассортимента йодсодержащих лекарственных средств, разработки современных методов анализа, проведения фармакотерапевтических исследований для доказательства их эффективности.

В настоящее время во всем мире для профилактики и лечения дефицита йода проводятся научные исследования по получению и разработке методов стандартизации эффективных йодсодержащих лекарственных средств с применением циклодекстринов. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям, направленным на подбор оптимальных условий синтеза супрамолекулярных комплексов йода и методов их очистки, разработку получения различных лекарственных форм на их основе, установление норм качества, оценку их эффективности, определение сроков годности и применение в медицинской практике.

На сегодняшний день в республике достигнуты определенные результаты по обеспечению населения оригинальными, качественными, безвредными, высокоэффективными, стабильными при хранении лекарственными субстанциями, препаратами, изделиями медицинского назначения и медицинской техникой, соответствующими международным стандартам. В четвертом направлении стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 гг были отмечены важные задачи, такие как «Доведение доли лекарственных и медицинских средств отечественного производства до 80 процентов...»¹. В этой связи дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, разработка импортозамещающих оригинальных лекарственных средств, внедрение их в отечественные предприятия, обеспечение качества имеет важное значение.

